



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СУДЛАРНИНГ ЎРНИ

Махаммадиев Баходир Ботирович

Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Жинойят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14913919>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 23rd February 2025

KEYWORDS

“коррупцияга қарши курашувчи тизим”, “одил судлов” ҳамда “коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи институционал тизимда судларнинг роли”.

ABSTRACT

“Коррупцияга қарши курашувчи тизим” ва “коррупцияга қарши курашда одил судловнинг аҳамияти” – XXI асрда инсониятнинг энг асосий муаммоларидан бирига айланган хатти-ҳаракатларга айланди. Коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи институционал тизимни такомиллаштириш фақат давлат ёки минтақа эмас, балки бутун инсониятнинг муаммосидир. Сўнги йилларда коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи институционал тизимни такомиллаштиришда суд

Коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи институционал тизимнинг вазифаси шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини таъминлашдан иборатдир. Ушбу тизим коррупцияни олдини олиш ва коррупцион ҳолатлар содир этилганда айбдорларга жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминлашдан иборатдир. Бунда судларнинг роли беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддасида «Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади» дейилган, Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида «Суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир¹».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳам судлар алоҳида таъкидланган. Фармонга кўра коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат

- суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонуни.

- давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;
- давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;
- фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш² кабилар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сонли «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам судларни коррупцияга қарши курашда алоҳида ўрнини белгилаб берган. Фармонга кўра «Судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш;
- судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда холислик ва шаффофликни таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий қилиш;
- судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат деб баҳолаш;
- судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш³».

Конституциямиз ҳамда норматив ҳужжатлардан кўриниб турибдики, судлар коррупцияни амалга оширувчи тизимнинг ўзагини ташкил этади десак, муболаға бўлмаса керак.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сонли Фармони.

Судларни коррупцияга қарши курашини амалга оширишида уларнинг мустақиллиги кафолатланиши шарт. Ҳар қандай давлатда суд ҳокимияти том маънода мустақил бўлмас экан, адолатли жамият қуришнинг имкони йуқ. Ўзбекистон Республикаси адолатли жамият қуриш учун суд ҳокимиятининг мустақиллигини Асосий Қомусимизда мустаҳкамлаган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши, 135-моддасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар корпусининг шакллантирилишини, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаши, 136-моддасида судьялар мустақиллиги, фақат Конституция ва қонунга бўйсунуши, судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган⁴.

Судлар мустақиллигининг кафолатлари Конституциямизда қуйидагича мустаҳкамланган:

- суд ҳокимиятининг мустақил иш олиб бориши;
- судлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурийлиги;
- судьяларнинг сайланиш ва тайинланиш тартиби Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланганлиги;
- судьяларнинг фақат Конституция ва қонунга бўйсунуши шартлиги;
- судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги ҳамда бундай аралашиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;
- судьянинг шахси дахлсизлиги;
- судлар фаолиятини молиявий таъминлаш Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши кабилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши, 9-моддасида судьялар мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунуши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган⁵.

Конституция ва қонунларимизга асосан судларнинг мустақиллигини тўлиқ таъминланган.

Шу ўринда, Коррупцияга қарши кураш агентлигининг маълумотларига қараганда 2022 йилда коррупцион жиноятлар сони 7414 та, 2023 йилда эса 6535 та, 2024 йилда 5716 тани ташкил этган⁶, 2023 йилда 2022 йилдагига нисбатан 11 фоизга жиноятлар сони камайган, 2024 йилда 2023 йилдагига нисбатан 13 фоизга нисбатан камайган бўлсада жиноятлар сони кўп.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

⁵ Судлар тўғрисидаги қонун

⁶ Электрон манба. <https://anticorruption.uz/>

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, судлар коррупцияга қарши курашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ваколатларидан тўлиқ фойдаланса, одил судловни таъминласа, ҳолис, беғараз ҳамда адолатли суд қарорларини қабул қилса, ҳар қандай коррупцион ҳолатлар билан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминласа, одил судловни таъминлашда давлат органлари билан келишувчанлик қилмасдан қонунийликни таъминласа, жонажон юртимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олинган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й, <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сонли «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, <https://lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, <https://lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сонли «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, <https://lex.uz>
5. Электрон манба. <https://anticorruption.uz>

INNOVATIVE
ACADEMY